
Мактаб оромгоҳи болаларга ўз бағрини очди

Болаларнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил этиш, уларнинг оромгоҳларда дам олиши ва билим орттириши учун Марғилон шаҳрида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан шаҳримиздаги 17-умумий ўрта таълим мактабида Ёзги оромгоҳ ўқувчиларга ўз бағрини очди.

Ушбу оромгоҳда болалар турли фан тўғаракларига қатнашиш билан биргаликда, мусиқа, спорт ва билим беллашувларида ҳам иштирок этишади. Айниқса чет тили тўғараклари машғулотларини малакали мутахассис ва ўқитувчилар томонидан олиб борилиши таъминланган.

2024-06-12 18:30:42